

# Review of law sciences

---

Volume 1  
Issue 1 *Review of law science 2017-1*

Article 8

10-16-2017

## Ensuring national security in the information sphere

D. Tadjibaeva

*Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, tsulscience@tsul.uz*

Follow this and additional works at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law](https://uzjournals.edu.uz/rev_law)



Part of the [Other Law Commons](#)

---

### Recommended Citation

Tadjibaeva, D. (2017) "Ensuring national security in the information sphere," *Review of law sciences*: Vol. 1 : Iss. 1 , Article 8.

Available at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law/vol1/iss1/8](https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol1/iss1/8)

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



## ENSURING NATIONAL SECURITY IN THE INFORMATION SPHERE

D.TADJIBAEVA<sup>a</sup> Tashkent State University of Law, Tashkent, 100047, Uzbekistan  
<sup>a</sup> Tashkent State University of Law

## ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В ИНФОРМАЦИОННОЙ СФЕРЕ

Д.ТАДЖИБАЕВА<sup>a</sup> Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047,  
Узбекистан  
<sup>a</sup> Ташкентского государственного юридического университета

### АХБОРОТ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Д.ТАДЖИБАЕВА<sup>a</sup> Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон  
<sup>a</sup>Тошкент давлат юридик университети

**Аннотация:** мақолада республикамиз хаевфислиги, барқарорлигига рахна солаётган мағкуравий таҳдиidlар, Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаши ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташиқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” деб номланган бешинчи устувор йўналишишининг биринчи бандида белгиланган ахборот хавфсизлигини таъминлаши ва ахборотни ҳимоя қилиши тизимини такомиллаштириши, ахборот соҳасидаги таҳдиidlарга ўз вақтида ва мутаносиб равишда қарии ҳаракатларни ташкил этиши масалалари ёритилган.

**Калим сўзлар:** хавфсизлик, мағкуравий таҳдиidlар, Ҳаракатлар стратегияси, ахборот хавфсизлиги, миллий контент, миллий сигмент, интернет, кибернетик лудомания, ахборотни ҳимоя қилиши, миллий контентни ривожлантириши бўйича комплекс дастур.

**Аннотация:** в статье рассматриваются идеологические угрозы безопасности, стабильности республики, совершенствование системы обеспечения информационной безопасности и защиты информации, своевременные и пропорциональные противодействия предусмотренных в первой части пятого приоритетного направления стратегии действий «Обеспечение безопасности, религиозной толерантности и межнационального согласия, осуществление взвешенной взаимовыгодной и конструктивной внешней политики».

**Ключевые слова:** безопасность, идеологические угрозы, Стратегия действий, информационная безопасность, национальный контент, национальный сегмент, интернет, кибернетическая лудомания, защита информации, комплексная программа по развитию национального контента.

**Abstract:** this article describes ideological threats to security, and stability of the republic, improvement of the information security system, timely and proportionate countermeasures, which are mentioned in the first part of the fifth priority directions of the Strategy of Action “Priority areas in the field of security, inter-ethnic harmony and religious tolerance, and implementation of balanced, mutually beneficial and constructive foreign policy”.

**Keywords:** security, ideological threats, threats, Strategy of action, information security, national content, national segment, Internet, cybernetic ludomania, information protection, integrated program for the development of national content.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши сифатида “Хавфсизлик,

миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” белгиланди [1]. Мазкур устувор йўналиш бугунги кунда дунёда энг долзарб масала бўлган хавфсизликни ва жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Мазкур устувор йўналиш Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим йўналиш ҳисобланади, чунки ижтимоий-сиёсий барқарорлик демократик,adolatli жамият қуришнинг энг муҳим асосидир. Барқарорлик, тинчлик, тотувлик – булар давлатчилигимизнинг янги биноси барпо қилинадиган пойдевордир. Барқарорлик доимо инсоният тарихида яратувчилик, бунёдкорлик фаолияти учун асос бўлган. Бежизга қадимги машхур файласуф Конфуций: “Фаровонлик – мақсад, ислоҳотлар – унга эришиш йўли, барқарорлик эса шартшароитдир”, – деб айтмаган.

Бешинчи устувор йўналишнинг биринчи бандида республикамиз хавфсизлиги, барқарорлигига раҳна солаётган таҳдидлар: мафкуравий, сиёсий, ҳарбий, экологик, техноген хавфлардан аҳолини ҳимоялаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми, суверенитети, худудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, давлатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг жангвор қудрати ва қобилиятини оширишга эътибор қаратилган.

Аммо хавфсизликни таъминлаш бу фақатгина мамлакатни чегараларини ҳимоя қилиш ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш эмас, балки фуқароларнинг онгини, дунёқарашини ҳам ҳимоя қилишдир. Бинобарин, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомилластириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва мутаносиб равишда қарши ҳаракатларни ташкил этиш, бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Аввало, шу аччик ҳаёттий ҳақиқатни эътироф этиш керакки, глобаллашув жараённида ахборот ғоявий таъсир ўтказишнинг кучли воситасига айланиб бормоқда. Аксарият мафкуравий марказлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишда ахборот хуружларидан фойдаланмоқда.

Бугунги воқелик ҳар қандай давлат олдига ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Бу жиҳатдан, XX аср охири – XXI аср бошларида юз берган ахборот инқилоби инсон ва жамият борлигини тубдан ўзгартириб юборди. У географик ва вақт билан боғлиқ тўсикларни емирди, чегараларни очиб ташлади, дунёнинг исталган нуқтаси билан мулокот қилиш имконини яратди, фаолият турларининг мазмунини ўзгартириди. Илгари амалга оширилишига ойлар ва йиллар сарфланган ишлар энди саноқли кунлар ва дақиқаларда амалга оширила бошлади. Янги шароитда “худуд” ва “масофа” тушунчалари ўзининг аввалги мазмуни ва аҳамиятини йўқотди [2].

Ахборотлашган жамият тушунчаси кишилик жамияти ривожланишининг хозирги босқичида шаклланаётган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот ҳамда информатикадан оқилона фойдаланишга асосланган сифатий ҳолатини тавсифловчи тушунча ҳисобланади. Ахборотлашган жамият назарияси асосчилари ижтимоий ривожланишини “босқичлар алмашинуви” нуқтаи назаридан қараган ҳолда, унинг шаклланишини қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизматлар иқтисодиётидан кейин пайдо бўлган иқтисодиётнинг тўртинчи – “ахборот сектори” юзага келиши билан боғлайдилар.

Уларнинг фикрига кўра индустрialiал жамиятнинг асоси бўлган капитал ва меҳнат ахборотлашган жамиятда ўз ўрнини ахборот ва билимга бўшатиб беради. Ахборотлашган жамиятда иш билан банд кишиларнинг аксарият қисми ахборотни, айниқса, унинг асосий шакли бўлмиш билимларни яратиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тарқатиш билан машғул бўладилар. Бошқача айтганда, билимлар ва ахборот бундай жамиятларда ишлаб чиқаришнинг асосий маҳсулига айланади. Ахборотлашган жамиятда нафақат ишлаб чиқариш, балки турмуш тарзи, қадриятлар тизими ўзгаради, моддий қадриятларга нисбатан маданий ҳордиқнинг аҳамияти ортади [3].

Ахборотлашган жамиятда ахборот технологиялари, коммуникациялар соҳасида банд кишилар миқдори ортади, ялпи ички маҳсулот яратишда уларнинг улуши ўсади, янги

технологиялардан фойдаланиш ҳисобига вақтни тежаш – янги қадрият сифатида қарор топади, электрон демократия, информацион иқтисодиёт, электрон давлат, электрон хукумат, рақамли бозорлар, электрон социал тармоқлар ривож топади.

Тегишли адабиётларда ахборотлашган жамиятнинг қуидаги асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатилади:

- технологик омил (энг муҳим омил) – ишлаб чиқаришда, ташкилот ва корхоналарда, таълим тизимида ва маший ҳаётда ахборот технологиялари кенг қўлланилади;
- ижтимоий омил – ахборот ҳаёт сифатини ўзгартиришга рағбат беради, “информацион тафаккур” шаклланади ва мустаҳкамланади;
- иқтисодий омил – ахборот муҳим ресурс, товар, хизмат, бандлик ва қўшимча қиймат манбаи сифатида иқтисодиётда ҳал қилувчи омилга айланади;
- сиёсий омил – ахборот эркинлиги фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироқини юксалтиради ҳамда аҳолининг турли қатламлари ўртасида келишувни таъминлайди;
- маданий омил – ахборот муҳим қадрият сифатида тан олиниб, унинг алоҳида шахс ва яхлит жамиятни ривожлантириш манфаатларига хизмат қилиши эътироф этилади [4].

Айни пайтда ахборотлашган жамиятда ҳам муайян муаммолар, қийинчиликлар, зиддиятлар мавжуд бўлади, хавотирли тенденциялар ҳам йўқ эмас.

Оммавий ахборот воситаларининг кўп асрлик тараққиёти 1986 йилда Интернетнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлади. Интернет инсонларга чексиз янги имкониятлар яратди. Икки омил – Интернетнинг пайдо бўлиши ҳамда коммуникация хизматлари учун нархларнинг пасайиши ахборот соҳасининг ривожини жадаллаштириб юборди. Компьютерлар ва алоқа хизматлари учун нархларнинг пасайиши уларнинг ҳаммабоп ва оммабоп бўлишига туртки бўлди. Бу эса, ўз навбатида, ахборот индустрисига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди, унинг миллионлаб янги истеъмолчилари ва кенг қўламли бозорлари пайдо бўлди. АҚШнинг Савдо-сотик вазирлиги томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 50 миллионлик аудиторияни қамраб олиши учун радиога 30 йил керак бўлди, телевидениега эса 13 йил ва Интернетга атиги 4 йил кифоя қилди [5].

Бугунги кунда Интернет инсон ҳаётининг деярли барча жабҳаларига дахл қилмоқда. У шахсга ўз билимларини ошириш, ҳордиқ чиқариш, ҳалқаро ва ички сиёсатда содир бўлаётган воқеаларни кузатиб бориш, сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг фаол субъекти бўлиш, кўргазмалар уюштириш, тақдимотлар ўтказиш, зарур нарсаларни харид қилиш имконини беради. Интернет хукуматлар, давлат раҳбарлари, турли вазирликлар ва ташкилотлар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг фуқаролар учун шаффоф бўлишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Интернетда уюм-уюм ахборот “ахлатлари” борлигини ҳам эътироф этиш зарур. Бундан ташқари, бугунги кунда иллат сифатида гиёҳвандликка тенглаштириш мумкин бўлган Интернетга қарамлик авж олган. Ёшлар асосий вақтларини ижтимоий тармоқларга сарф килсалар, мактаб ўқувчилари эса компьютер ўйинларига тобора муккасидан кетмоқдалар. Компьютер ўйинларига ҳаддан ташқари берилиш болаларнинг, ёшларнинг жисмоний ва маънавий соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Интернет тармоғидаги эркинлик компьютерга қарамликни кучайтиради, бугунги кунда бир қанча давлатларда бундай кишиларни мажбурий даволаш йўлга қўйилмоқда.

“Кибернетик лудомания” тушунчаси жаҳон медицина амалиётига расман киритилган касаллик номи. Киберлудомания – компьютер ўйинбозлиги. Россиядаги Бехтерев номидаги Психиатрия институтида 7 йил давомида ушбу касалликдан 200 киши даволаниб чиқсан. Италияда лудомания синдромига чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш расман йўлга қўйилган. Хитойда ҳам компьютерга боғланишдан даволовчи худди шундай клиника очилди. Пекин ҳарбий госпитали қошида очилган бу клиникада юзлаб bemorлар кунига 50 АҚШ доллари тўлаб даволаниб чиқишиади. Кореяда ҳар йили ўйинбозликдан 7 киши ҳалок бўлмоқда [6].

Компьютер клубларида аксарият мактаб ўқувчилари ўйнайдиган “Контр страйк”, “Контра”, “Дота”, “Бой без правил” ўйинлари болаларда шафқатсизлик ва тажовузкорлик иллатларини шакллантиради. Ўйин пайтидаги узлуксиз руҳий зўриқиши эса мия ва юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Мобил телефонлари орқали компьютер ўйинларини онлайн тарзда ўйнаш имкониятини пайдо бўлиши болаларни ўйинбозлик касалига чалиниш хавфини янада оширди.

2016 йилдан бошлиб ижтимоий тармоқларда ўсмиirlарнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлиғига, балки тўғридан-тўғри ҳаётига хавф соладиган ўйинлар пайдо бўлди. Россияда 7 ёшдан 18 ёшгача ўсмиirlар ўртасида суицид ҳолатининг кўпайиб кетишига “Тихий дом” ёки “Синий кит” ўйинлари сабаб бўлгани аниқланди. 50 босқичдан иборат бўлган бу ўйиннинг охирги босқичи ўсмиirlарнинг ўзини ўзи ўлдириши билан якун топади.

Компьютер ўйинлари, ижтимоий тармоқлар ёшларнинг қўлидаги китоб ва спортнинг ўрнини тобора эгаллаб бормоқда, уларни барқамол авлод қилиб тарбиялаш учун қилаётган саъй-ҳаракатларимизга тўсқинлик қилмоқда. Бу ҳолат ёшларимизнинг келажагига ўнглаб бўлмас даражада таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ушбу муаммонинг ечими кўрсатиб берилган: “Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар сув ва ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваломбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суюниб иш олиб боришимиш керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий.

Мен, ҳаётда кўп бора тасдиfinи топган ҳақиқатдан келиб чиқсан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга карши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чукур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин” [7].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мазкур соҳа ривожига хизмат қилувчи хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, илмий-маърифий ва маънавий-мағкуравий асослар яратилди, деб bemalol айтиш мумкин. Жумладан, соҳанинг хуқуқий асоси сифатида демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган, ўнга яқин қонун хужжатларини ўз ичига оловчи қонунчилик базаси яратилди. Улар орасида “Ахборот эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”, “Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги мухим қонунлар, кўплаб қонуности хужжатлари соҳа ривожининг адолатли хуқуқий маконда кечишини таяминлашда мухим роль ўйнамоқда.

**“Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги хуқуқ ва эркинликларини таяминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиши хуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишининг мухим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши хисобланади” [8].**

Агар истиқлоннинг дастлабки йилларида республикада фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг аксарияти давлат тасарруфида, демак, уларнинг иқтисодий-молиявий таяминоти ҳам давлат зиммасида бўлган бўлса, бугунги кунга келиб республикамизда мавжуд барча телеканалларнинг 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат ОАВси хисобланади. Босма оммавий ахборот воситаларига эгалик – муассислик қилишда нодавлат секторининг улуши бундан-да кўпроқ фоизни ташкил этади. Жаҳон ахборот бозори меъёр ва талабларига тобора мослашиб бораётган мазкур ОАВлари ўзини ўзи бошқариш, маблағ билан таяминлаш, ўқувчи – томошабин – мухлис эътиборини тортишнинг хилма-хил усул-услубларини фаол изламоқда ва топмоқда. Натижада айрим

марказий нашр ва каналлардан ташқари аксарият ОАВлари иқтисодий мустақилликка, яъни тўла фаолият эркинлигига эгадир.

Ушбу соҳани ҳам глобаллашиб бораётган дунёга, шиддатли ривожланаётган замон чакириқларига мунтазам мослаб боришдек долзарб талабдан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегиясида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва мутаносиб равиша қарши ҳаракатларни ташкил этиш бўйича қатор тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 август 2017 йилдаги 625-сон қарори билан 2017 – 2019 йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантириш бўйича комплекс дастур тасдиқланди.

У қўйидагиларни назарда тутади:

- миллий контент ва веб-ресурсларни ривожлантириши рағбатлантириш ва оммалаштириш, уларнинг ташкилий, моддий-техник ва молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

- интернетнинг миллий сегментини ғоявий-мазмунан тўлдириш, фойдаланувчиларнинг, энг аввало, ёшларнинг замонавий талабларига жавоб берадиган оммабоп ахборот ресурслари, медиа-маҳсулотлари, бадиий, мультиплексион ва ҳужжатли фильмларни яратиш ва ривожлантириш, шунингдек интернет-журналистикани ривожлантириш;

- маҳаллий ижтимоий тармоқларда миллий контентни ривожлантириш ва хорижий ахборот ресурсларида унинг улушини ошириш, Ўзбекистон мессенжерлари ва ижтимоий тармоқлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг жозибадорлигини ошириш ҳисобига аудиториясини кенгайтириш;

- таълим контентини янада такомиллаштириш, “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғи имкониятларини кенгайтириш, таълим муассасалари ўқув дастурлари билан интеграцияланган замонавий веб-ресурсларни яратиш;

- Интернетда яратиладиган миллий ахборот ресурсларини янада тарғиб қилиш ва оммалаштириш [9].

Комплекс дастурни сифатли амалга ошириш учун вазирликлар ва идоралар, шунингдек ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари шахсан масъул этиб белгилаб қўйилди.

Мазкур Дастурда белгиланган тадбирлар миллий ахборот тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш ва таъсир доирасини оширишга ҳамда ёшларнинг ахборот-психологик хафвсизлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Бугун Ўзбекистон ягона ахборот тизимининг фаол субъектига айланди. Унинг дунё билан алоқаси, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларига иштироки, давлатлараро муносабатлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, хуқуқий ва маданий алоқалари умумжаҳон ахборот тизими таркибида амалга оширилмоқда. Бу бевосита электрон почта, электрон ахборот алмашиш тизими орқали ҳам миллий, ҳам дунёвий муаммоларни ҳал этишда фаолият самарадорлигини оширишда, вақтни тежашда, молиявий ҳаражатларнинг кескин камайишида, қолаверса, замонавий ахборот алмаштириш салоҳиятини намоён қилишда катта самара бермоқда.

Миллий ахборот тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш ва таъсир доирасини ошириш учун, бизнингча, қўйидагиларга алоҳида эътибор бермоқ лозим:

- оммавий ахборот воситаларида хозиргача шаклланган тил, услугуб ва ифода усулини ўзгартириш керак. Ахборот маконини ҳаётга, ёшларга, уларнинг кундалик ташвишу изтиробларига, янгиланаётган жамият муаммоларига юксак маҳорат билан мослаштириш;

- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг сўзи ва фикрининг таъсирчанлигини ошириш керак. Токи ҳар қандай умумманфаат ва умумтараққиёт йўлида айтилаётган сўз ҳар бир фуқаронинг қалбига кирсинг, онгига

сингсин. Уни рағбатлантирын, рухлантирын, миллий яқдилликка, миллий бирликка даъват этиш;

– Ахборот тарқатиши борасидаги мажароларга йўл қўймай, уларга юксак сиёсий ва касбий маданият орқали ёндашиш. Бефарқлик, сукут сақлаш кайфиятига барҳам бериб, миллий орият, миллий нафсоният билан боғлиқ ҳолдаги тарғиботчилик имкониятимизни намоён этиш йўлидан бориш;

– Ҳар қандайхужумкор ва бузғунчи ғояга қарши ўз вақтида, мўлжални аниқ олиб муносабат билдиришда эҳтиросларга берилмаслик, ортиқча шов-шувларга йўл қўймасдан сиёсий вазминлик ва босиқлик, айни пайтда, кучли таъсир ўтказиш усулларини ўзлаштириш;

– Ахборот соҳасида ахборот хуружи қизғин авж олган бир пайтда айни ана шу хуружлар моҳиятини, унинг манбаларини, ривожланиш омилларини чукур ўрганиш лозим. Бузғунчи ва хужумкор ахборотлар мақсад-муддаоси, уларнинг тагида ётган манфаатлар қанчалик тўғри ўрганилса, уларга шунчалик тўғри ва ишончли зарба бериш мумкин бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, ахборот соҳасида миллий хавфисзликни таъминлашнинг Ўзбекистон тажрибаси такомиллашиб бормокда. Ахборот хуружи авж олаётган, ахборот тарқатиши технологиялари тобора такомиллашиб, унинг усул ва услублари янгиланиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон айни ана шу цивилизациявий жараённинг энг самарали, энг инсонпарвар усулларидан яна ҳам кенгроқ фойдаланиш имкониятларини қидирмоқда.

Хулоса килиб айтганда, Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфисзлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар”ида ахборот хавфисзлигини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар миллий контент ва веб-ресурсларни ривожланиши, ёшларнинг замонавий талабларига жавоб берадиган оммабоп ахборот ресурслари, медиа-маҳсулотлари яратилишини таъминлайди. Интернетда яратиладиган миллий ахборот ресурслари ёшларимизнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожланиши, ҳар қандай хужумкор ва бузғунчи ғояга қарши мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга ёрдам бериши, охир-пировардида юртимиз ва жаҳонда юз бераётган муҳим ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашини кучайтириши шубҳасиздир.

## References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-son Farmoni (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6-son).
2. A.Azizxo‘jayev, N.Umarova, R.Qo‘chqorov. Globallashuv va axborotlashgan jamiyat muammolari. – T.: Akademiya, 2011. – B.14 – 15.
3. Qo‘chqorov R, Tojiboyeva D., Milliy g‘oya: asosiy tushuncha va tamoyillar. – T.: TDYU, 2016. – B.89.
4. <[http://socialengec.ucoz.ru/publ/teorii\\_socialnogo\\_razvitija/storonniki\\_informacionnogo\\_obshhestva/3-1-0-95](http://socialengec.ucoz.ru/publ/teorii_socialnogo_razvitija/storonniki_informacionnogo_obshhestva/3-1-0-95)>
5. “Ministerstvo torgovli SSHA soobshayet...” // Mir Internet. – 1998, – № 6.
6. Quronov M. Ezgu g‘oyalar ro‘yobi. – T.: Ma’naviyat, 2011. – B.63.
7. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. – T.: Ma’naviyat, 2008. – B.115.
8. Karimov I.A. Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiysi: O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisи Qonunchilik palatasи va Senatining qo‘shma majlisidagi ma’ruza. 2010-yil 12-noyabr. – T.: “O‘zbekiston”, 2010. – B.131–132.
9. <<http://www.norma.uz/>>